

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.San.51.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВ ЭЛЬДАР САДИКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН КРЕАТИВ САНОАТИ КОНТЕКСТИДА ОВОЗ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

17.00.03 – Кино санъати. Телевидение

**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юлдашев Эльдар Садилович

Ўзбекистон креатив саноати контекстида овоз технологиялари 3

Юлдашев Эльдар Садылович

Звуковые технологии в контексте креативной индустрии Узбекистана.17

Eldar Yuldashev

Sound technologies in the context of the creative industry of Uzbekistan 31

Эълон қилинган ишлар рўйиҳати

Список опубликованных работ

List of published works 35

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.San.51.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВ ЭЛЬДАР САДИКОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН КРЕАТИВ САНОАТИ КОНТЕКСТИДА ОВОЗ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

17.00.03 – Кино санъати. Телевидение

**санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/San6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.fineartins.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джура Тешабаев

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахматуллаева Дилфуза Нарзуллаевна

санъатшунослик фанлари доктори

Туляходжаева Мухаббат Турабовна

санъатшунослик фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Диссертация химояси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.27.06.2017.San.51.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй. Тел.: (99871) 339-46-67; факс: (99871) 239-17-71; e-mail: siti1928@mail.ru Санъатшунослик институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй. Тел.: (99871) 339-46-67.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

А.А. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги, ЎзБА академиги.

Н.Ғ. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби
Санъатшунослик фанлари номзоди,
катта илмий ходим.

И.А. Мухтаров

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган глобаллашув, тижоратлашув ва трансформацион жараёнлар санъат ва маданият соҳасининг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жараёнлар асосини овоз технологиялари ташкил этувчи креатив саноат - замонавий ижоднинг истиқболли ва тез ривожланиб бораётган тармоғи сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, «жаҳоннинг 40 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларида креатив саноат иқтисодий ҳамда инновацион тараққиёт ривожининг манбаи сифатида ташкил этмоқда. Хусусан, Жанубий Корея ва Туркияда телесериалларнинг ишлаб чиқилиши, хинд киносаноати, Япония мультипликацияси, Буюк Британиядаги мусиқа саноати, Италия ва Франциядаги мода саноати, шунингдек, Кариб ҳавзаси мамлакатларидаги карнаваллар, шоу-томошалар ушбу мамлакатларнинг ривожланиши ва гуллаб – яшнаши асосига айланди»¹.

Жаҳон креатив саноати майдонида ижодий технологиялар тараққиёти кичик ва ўрта бизнес ривожининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, овоз технологияларининг тараққиёти кўнгилочар-томошалар саноатининг таркибий механизми ва шоу-бизнес нуфузининг ошиши хорижий сармоялар жалб қилишнинг асосий омили сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ўсиб бораётган талабларга мувофиқ экран санъати ва маданий-томоша тадбирларининг ҳам бўғинлари фаол бирлашиб бормоқда. Шу жиҳатдан мазкур диссертация мавзуси долзарблиги намоён бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда креатив саноат фаолиятини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Республиканинг замонавий бадиий-эстетик бозорида креатив технологиялардан фойдаланишдаги улкан имкониятлар ва кундан-кунга кенгайиб бораётган шароитлар асосан кинематографияда, телевидение соҳасида ҳамда концерт-кўнгилочар томошаларда ўз аксини топмоқда. Бунинг натижасида анъанавий санъат ва маданият шоу-бизнес шаклига модернизациялашда кичик тадбиркорлик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг тўлақонли, ажралмас қисмига ва мамлакат иқтисодий тараққиётида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган санъат соҳасидаги вазифалар ижросини таъминлаш, вакиллик органи Маданият вазирлиги, МТРК, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси иш фаолиятини такомиллаштириш, ижро ҳокимияти устидан ижодий жамоатчилик назоратини амалга оширишни амалий механизмлар асосида янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация

¹ UNCTAD (2010). The Creative Economy Report. London, pp. 38.

технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3678-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-245-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2042-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларининг устувор йўналишлари: I – «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» ва IV – «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» га мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Овоз технологияси соҳасига, креатив саноатнинг ўсиши ва самарали инновацион креатив лойиҳаларни жорий этишга тегишли муаммолар олимлар ҳамда амалиётчиларнинг алоҳида эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Тадқиқотда хорижий тажрибани ва айнан Т.Флю, А.Свифт, С.Каннингэм, Ж.Потс, Ж.Хартли, М.Кин, А.Бранс, Ч.Гринс, Р.Лэндри, Ж.Флорида, Д.Хокинс, Йорданова, Ж.Ластра, М.Гримшоу, Т.Паттесон, М.Талбот Смит, Р.Дэйвис, Г.Сайгорссон, Ч.Лидбитер, Дж.Хокинс, Ф.Колбер, Ж.Нантель, С.Билодо, Дж.Дэннис Рич, Ф.Котлер, Л.Лессиг, Дж.Валенти, С.Ардиззони, Р.Майклз, Р.Бенгер, Л.Корлисс, К.Коултер, Н.Масаюки, Э.Фоскетт, Р.Десаи, З.Елинсон, М.Фриш, Ч.Лэндри, К.Смит, Дж.Шефф, Д.Тросби сингари олимларнинг асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида креатив саноат аудиотехнологияларини янада такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва тавсиялар келтирилган.²

²Michael Talbot-Smith. Broadcast Sound Technology. Elsevier Ltd. 1990., Smith C. Creative Britain - London Faber and Faber, 1998., James Lastra. Sound Technology and the American Cinema. Columbia University Press, 2000., Landry C. The Creative City A Toolkit for Urban Innovators - London Earthscan Publications Ltd, 2000., A Debate on 'Creativity, Commerce and Culture' with Larry Lessig and Jack Valenti. The USC Annenberg Norman Lear Center, University of Southern California, 2001., Committee on Governmental Affairs Privacy and Piracy: The paradox of illegal file sharing on peer-to-peer networks and the impact of technology on the entertainment industry, Washington. 2003. Media Economics. The Creative Industries: Culture and Policy. Wiley-Blackwell. 2004., Filipp Kotler, Joann Sheff. Standing Room Only: Strategies for Marketing the Performing Arts. Ozon. 2004., Fransua Kolber. Marketing Culture and the Arts. Vasin. 2004., Флорида Р. Креативный класс: люди, которые меняют будущее. – М.: Издательский дом «Классика-XXI», 2005., John Hartley. Creative Industries. Wiley-Blackwell.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси «Ўзбекистонлик атоқли шахсларнинг авторитет ёзувларига асосланган электрон маълумотлар базаси» (2012-2014 гг.) мавзуси бўйича А5-ФҚ-0-17233 А5-010 амалий лойиҳа доираларида тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиийлик ва эстетика контекстида овоз технологияларини аниқлаш ва креатив саноатни ижодий соҳа сифатидаги мазмун-моҳиятини белгилашдан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш учун **тадқиқотнинг вазифалари** белгиланган:

кино, телевидение ва маданий-ҳордиқ томошалари тузилмасидаги овоз технологияларининг ўзига хослигини аниқлаш;

овоз ёзиш тенденциялари асосида креатив саноатнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиш босқичларини хронологик жиҳатдан белгилаш;

креатив саноатнинг асосий тенденцияларини таҳлил қилиш ҳамда унинг гипотетик истиқболларини баҳолаш;

миллий креатив саноатдаги амалий фаолиятда овоз технологияларини такомиллаштириш ва шакллантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида креатив саноат доирасида овоз технологияларидан асосий омил сифатида фойдаланган ҳолда кино, телевидение ва концерт соҳаларида ишлаб чиқилган маҳсулотлар ҳисобланади.

2005., *Лэндри Ч.* Креативный город. – М.: «КлассикаXXI», 2005., *Desai, R.* ‘Copyright Infringement in the Indian Film Industry’, *Film & TV*, Spring, 2005. pp. 259–278., *Ardizzone, S and Michaels, R* (dirs.) *Hacking Democracy*, motion picture, HBO Films. 2006., *Throsby D.* Modelling the creative/cultural industries // *New Directions and research Substance, Method and Critique ESCRC/AHRB Cultural Industries Seminar Network*, Royal Society of Edinburgh, Scotland, 11-12 January 2007., ‘What Jack Valenti Did for Hollywood’, *Time*. 2007., *Ванюрихин Г.И.* Креативный менеджмент. Творческие подходы к поиску управленческих решений. – М.: Макс Пресс, 2007., *Axel Bruns, Joshua E. Greene.* YouTube: Online Video and Participatory Culture. *Polity*. 2009., ‘ASCAP Sues Over Ringtone “Performance”’, *The Recorder* 2009., *Benger, R.* ‘Porndemic’, television program, Cogent/Benger Productions, Inc. 2009., *Charles Leadbeater.* We-Think: Mass innovation, not massproduction. Profile Books; Main edition. 2009., *Frisch, M.* 2010. ‘Digital Piracy Hits the E-book Industry’, *CNN*. 2010., *Coulter, C, Masayuki, N and Foskett, E.* ‘UK Steps Toward “Digital Britain” with the Introduction of the Digital Economy Act 2010’, *Mark Grimshaw.* Game Sound Technology and Player Interaction: Concepts and Developments. IGI Global; 1 edition, 2010., *The Computer & Internet Lawyer*, 2010. vol. 27, no. 9, pp. 25–31., *Elinson, Z.* 2010., *Хокинс Дж.* Креативная экономика. – М.: «Классика XXI», 2011., *Terry Flew, Richard Smith.* *New Media: An Introduction*, Canadian Edition Paperback, Oxford University Press. 2011., *Terry Flew.* *The Creative Industries. Culture and Policy.* SAGE Publications Ltd. 2012., *Dina Iordanova, Stuart Cunningham.* *Digital Disruption: Cinema Moves On-Line.* St Andrews Film Studies, 2012., *John Hartley, Jason Potts, Terry Flew, Michael Keane, John Banks.* *Key Concepts in Creative Industries.* SAGE Publications Ltd. 2013., *Rosamund Davies, Gauti Sigthorsson.* *Introducing the Creative Industries: From Theory to Practice.* SAGE Publications Ltd; 1 edition, 2013., *John Howkins.* *The Creative Economy: How People Make Money from Ideas.* Penguin; 2 edition. 2013., *John Hartley, Jason Potts, Stuart Cunningham, Terry Flew, Michael Keane, John Banks.* *Key Concepts in Creative Industries.* SAGE Publications Ltd, 2013.

Тадқиқот предмети сифатида ижодий саноатнинг асосий йўналишларидаги овоз технологиялари, уларнинг хусусиятлари, афзалликлари, аҳамияти ва бадиий таркиби кўрилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни ўтказиш жараёнида илмий ўрганишнинг умумий ва махсус усулларидан фойдаланилди. Хусусан, кузатиш, таҳлилдан (статистик, қиёсий в.х. таҳлиллardan ўтказиш), умумлаштириш, социологик усуллар (сўровномалар, тестдан ўтказиш, интервью олиш, фокус-гурuhlarda мунозаралар олиб бориш), шунингдек тарихий-қиёсий ёндашув ана шундай усуллардандир.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

миллий креатив саноатнинг уч сектори (кино, телевидение ва маданий-томоша тадбирларининг) овоз технологиялар орқали ўзаро боғлиқликда ривожланиши асосланган;

республикадаги креатив саноатини келгусидаги ривожи мамлакат ҳамда жаҳоннинг ижобий тажрибалари асосида концепция ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда кинотеатрлар ва кино-концерт мажмуаларини лойиҳалаш ва қурилишидаги меъморчиликда овоз манбаларини, аудио-жиҳозларни жойлаштиришнинг тизими ишлаб чиқилган ва акустика мувозанати мезонлари белгиланган;

миллий концертларни намойиш этишда овознинг ўзига хослиги ва махсус жиҳатлари ҳамда уларнинг халқаро меъёрлар ва мезонлардан фарқловчи томонлари аниқланган, уларнинг мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалиётда қарор топган динамик, частота мезонлари ва диапазонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

миллий мезонлар нуқтаи назаридан креатив саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари ажратилган ҳамда унинг амал қилишидаги ўзига хосликлар очиб берилган;

креатив саноатнинг ижобий хусусиятлари ва имкониятларини самарали ривожлантириш механизмини шакллантириш борасида «Ўзбекконцерт» Давлат муассасаси, МТРК, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, «Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси» ННТ, «Tarona Media» МЧЖ ва «Iosis Company» ХК кабиларнинг янада юқори савиядаги саноат ҳамкорлигини қўллаш тавсия этилган;

Ўзбекистон МТРК GoogleDocs порталидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Камчиликларни танқидий таҳлил қилиш ва илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида телерадиоэшиттиришлар тизими самарадорлигини тубдан юксалтириш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш мақсадларида Ўзбекистон телерадиокомпанияси фаолиятини ўрганиш бўйича комиссия» га тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот натижаларининг ишончлилиги усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда назарий ёндашувлардан фойдаланилганлиги билан исботланади, унда расмий манбаларга таянилган; ўтказилган социологик сўровлар интервьюлар ва эксперт сўровларига асосланган, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий

қилинган; олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан таҳлилдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти жаҳондаги креатив саноат нуқтаи назаридан овоз технологияларини, мамлакат бозоридаги унинг имкониятларини, функциялари ва коммуникацияларини назарий тадқиқ қилишдан иборат, шунингдек, ҳам жаҳондаги, ҳам Ўзбекистондаги аудиотехнологиялар бўйича мутахассисларнинг ижодий фаолиятини илмий - назарий таҳлил қилиш асосида қўлга киритилган натижалардан ушбу йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш йўли билан талқин қилинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти овоз технологиясини такомиллаштириш, ижоднинг ҳозирги вақтда энг кам тадқиқ қилинган турини ривожлантириш, шунингдек мазкур ишда қўлга киритилган натижаларни ишлаб чиқиш ва тизимга солишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Креатив саноат нуқтаи назаридан овоз технологияларини тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида қуйидагилар жорий қилинди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот – коммуникацион технологиялар соҳасини ва мамлакатдаги дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ва янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги regulation.gov.uz порталида келтирилган қонун лойиҳасини муҳокама қилиш учун тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилган;

тадқиқотдаги тавсиялар «Тошкент» МТРК Телерадиоканали ДУКнинг «Тошкент» Давлат радиоканали FM 87,9 МГц иши асосига жойланди. Ишда келтирилган таклифлар эшиттиришларнинг барча тўрт креатив йўналишларида: ахборот, маънавий – маърифий ва маданий-таълим, шунингдек мусиқий-томоша йўналишларида ва айнан: «Тошкент вақти» мусиқий-кўнгилочар дастури, «Пойтахт» ахборот-таҳлилий мусиқий дастури, шунингдек «Долзарб микрофон» ва «Студиядаги меҳмон» эшиттиришларида акс этди. [Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» радиоканалининг 2016 йил 7 июндаги 20-сонли далолатномаси]. Бунинг натижасида радиостанциянинг ижобий қиёфаси яратилди, потенциал радиотингловчилар бозори кенгайди, реклама берувчилар сармояларининг инвестицион рейтинги кўтарилди, бу ижтимоий таъсирнинг самарали кўрсаткичидир;

тадқиқ қилинаётган овоз технологиялари ҳамда мамлакатимиз шоу-бизнесидаги саноат амалиётида уларнинг ижро этилиши Ўзбекистон эстрада санъатининг кескин ривожланишида акс этди, диссертация тадқиқоти доираларида муаллиф томонидан жорий қилинган мусиқий композициялар бундан далолат бермоқда. Масалан, эстрада кўшиқчиси Шаҳзода томонидан ижро этилган «Тўрт қадам» мусиқали композицияси тадқиқотчига Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида (Марказий Осиёда ва

Кавказда) катта машхурлик ва тижорий муваффақият келтирди. Ушбу машхур кўшиқ кўп сонли миллий ва хорижий йирик хит-парадларда ва мусикий топ-чартларда бир йилдан ошиқроқ вақт мобайнида етакчи бўлиб турди. [«Tarona Media» МЧЖ холдинг корпорациясининг 2017 йил 13 апрелдаги 20-сонли маълумотномаси]. Натижада шоу-бизнес тизимидаги ўзаро муносабатлар ва ўзаро таъсирлар такомиллаштирилди, эстрада ижроси маданияти ва унинг келгусидаги юксак истиқболга эришилди;

мусикий ижрочиликни мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантиришга оид тақлифлар Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасидаги маданий-кўнгилочар томошалар мониторинги бўйича» концепция лойиҳаси учун асосга айланди, бундан ташқари амалда ўтказилган тадқиқот Ўзбекистон Республикасидаги концерт фаолиятининг барча соҳасига таъсир кўрсатди, яъни мусиқали луплар (loops), аудио сэмпллар (samples) ва электрон плейбеклар (playbacks) сингари виртуал-рақамли унсурлардан фойдаланишнинг салбий таъсирлари аниқлаб берилди. Шу тарзда Ўзбекистон Республикасидаги маданий-ҳордик томошаларининг овоз технологиялари илк бор амалий ўрганилди. [2017 йил 3 майдаги 3874/03-20 сонли далолатномаси]. Ушбу тақлифлар асосида ҳамда муайян ҳаракатлар натижасида саноатнинг ушбу бўғинидаги иқтисодий ва ижтимоий соҳа жиддий ўзгаришларга тортилди;

Тадқиқот тавсиялари мамлакатдаги киноконцерт залларининг тўлақонли амал қилиши учун Ўзбекистон Республикасида сифати ва савиясига таъсир кўрсатувчи аудио-техник таъминлашни ўзгартириш ва модификация қилиш усуллари ишлаб чиқиш учун асос бўлди [Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекконцерт» Давлат муассасасининг 2017 йил 22 июндаги 02-01/70-сонли далолатномаси]. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида тасдиқланган янги қоидалар, энг янги овоз технологияларини ҳисобга олувчи “Ўзбекконцерт ” давлат муассасасининг янги низоми ва техник ходимлар функциялари тақсимланишининг қайта кўриб чиқилиши тавсиялар жорий этилиши самарасидир.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 12 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий ғоя ва натижалари асосида жами 20дан ортиқ илмий ишлар нашр этилди. Шу жумладан, 1та илмий мақолалар тўплами, 3та ОАК тасарруфидаги журналлардаги илмий мақола, 2та Республика илмий журналларидаги илмий мақола, 2та хорижий илмий журналларидаги илмий мақола, 7та илмий-методик мақолалар тўпламида, 8та конференция материалларида, 2та республика газетасида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, унинг объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги баён этилиб, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Креатив саноат феноменининг тузилиши, ўзига хослиги ва уни тушунишдаги асосий ёндашувлар»** деб номланган биринчи бобда мавзунинг назарий-услубий жиҳатлари таҳлилдан ўтказилган, республикада креатив саноат тузилиши ва амал қилишига бағишланган тадқиқотлар ишлаб чиқилган, жаҳон майдонида ва, шунингдек, мамлакатимизда креатив саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни кўриб чиқилган.

Креатив саноат (инглизча - creative industries) - бу жаҳондаги медиамаконнинг қудратли ва жадал ўсиб бораётган соҳаси бўлиб, у миллиардлаб даромад келтиргани ҳолда иқтисодиёт тараққиётида анча салмоқли роль ўйнайди. Масалан, АҚШ, Хитой ХР, Индонезия ва Бразилия иқтисодиётида креатив саноат улуши 10% дан юқорироқни ташкил этади.

Креатив саноат замонавий жамиятнинг бир қисми сифатида ривожланиб, буткул янги маданий кадриятларни шакллантирмоқда, оддий бўлмаган ижодий ечимларни рағбатлантира бориб қолишга ностандарт ғоялар ва стратегиялар турларини кенгайтирмоқда. Бугунги кунда креатив саноат муайян доиралардан ташқарига чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларда: ТВ ва радио, ижрочилик ва томоша санъатлари, мусиқа ва овоз ёзиш, ўйин маҳсулотлар (гейм продукция), интернет-эшиттиришлар, реклама, дизайн, фотография, дастурий таъминот, визуал санъатлар ва галерея бизнеси йўналишларида кенг қўлланилмоқда.

Креатив (инглизча creative – ижодий, ижодга лаёқатли, шунингдек, лотинча creare ёки creatio яратиш, вужудга келтириш, барпо этиш) тушунчасининг ўзи дунё фанида, шу жумладан санъатшуносликда анчадан бери ва мустаҳкам ўрнашиб улгурди. Жаҳонда ушбу тушунча турли даражаларда ҳар куни кенг ва амалий қўлланилмоқда. Янги замон шароитларида «креатив инсон», «креатив сиёсат», «креатив реклама», «креатив ҳисоб-китоб», «креатив шахар», «креатив агентлик», «креатив директор», «креатив синф», «креатив продюсер», «креатив минимализм», «креатив иқтисодиёт», «креатив кўмита», «креатив бўлинма» ва «креатив канал» сингари сўз бирикмалари қарор топиб улгурди.

Жаҳонда креатив саноатларнинг қулай фаолияти ва ривожланиши учун «AS220» санъат маркази (АҚШ), «Twofour54 Abu Dhabi Media Zone Authority» эркин медиа зонаси (БАА), «Синьин» рақамли санъат марказий креатив парки (Хитой ХР), «Творческая Москва» ижтимоий маданий

лойихали ташаббусларни қўллаб қувватлаш маркази (Россия Федерацияси), «IZONE» креатив саноатлар зонаси (Украина Республикаси), «Creative Zone AlmaU» ижод кластери (Қозоғистон Республикаси) сингари ихтисослашган креатив зоналар барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ахборот – коммуникацион технологиялар соҳасини ва мамлакатдаги дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ва янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони лойихаси бўйича Тошкентда «Ахборот-коммуникацион технологияларнинг инновацион маркази» креатив зонасини барпо этиш кўзда тутилган. Давлат томонидан қўйилган ушбу қадам янги замон тараққиётининг асосий омили сифатидаги миллий даромаднинг молиявий воситалари учун ўта зарур бўлган мультимедиа ўзгаришларининг муваффақиятли моделларини янада ривожлантириш тартиботларини жадаллаштиришга имкон яратади.

Шунингдек минтақавий қўламда республикадаги креатив саноатнинг устувор аҳамияти, ранг-баранглиги, ўзига хослиги ва афзаллиги босқичма-босқич ҳамда батафсил ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “қароқчи” медиа-бозорнинг вужудга келиш сабаблари ва оқибатлари кўриб чиқилган, шунингдек, мазкур ҳодисага қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган.

«Бадиий ифода воситалари экран аудиосининг асосий таркибий қисми сифатида» номли иккинчи бобда замонавий экран ижодкорлиги ҳамда компонентларининг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнидаги аудиотехнология омили батафсил ўрганилган. Ҳозирги вақтда экран ижоди асрнинг бир чораги давомида продюсерлар, клипмейкерлар, мувимейкерлар ва кинорежиссёрлар учун асосий даромад манбаи бўлгани ҳолда, мамлакатимиздаги шоу-бизнеснинг энг кенг соҳасидир.

Санъатшунослик нуктаи назаридан овоз технологияларига қизиқишдаги асосий тенденциялардан бири эскирган концепцияларнинг кинотелевидение маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг замонавий асосларидан аста-секин узоклашиб бораётганлигидир. Замонавий овоз режиссураси анча мураккаб, кўп қиррали ва кўп функцияли ҳодиса бўлгани сабаб илмий жиҳатдан батафсил ўрганишни тақозо этмоқда.

Мавжуд овоз тизимларининг хилма-хиллиги ва янги овоз форматларининг турли-туманлиги ҳайратланарли бўлиб, унинг мазмуни сўнгги ўн йилликда тубдан қарор топди ва катъий ривожланиб бормоқда. Улардан келадиган умумий даромадни эса жаҳонда машҳур бўлган поп мусиқа ва ўйин саноатида айланадиган молиявий маблағларга қиёслаш мумкин.

Овоз режиссурадаги янгиликлар ва аудио технологияларининг интеграцияси сабаб улар кундан кунга техник жараёнга эмас, балки асосли овоз драматургияси, акустик ечим ва маконда жаранглашига эга бўлган бадиий образларни яратиш бўйича ижодий тузилмага айланиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб экран маданияти соҳасида умуман тадқиқ қилиб бўлмайдиган трендлар қарор топди. Жумладан, трейлер тарзидаги экран маҳсулоти кинотанқидчиларнинг фикрига кўра, асосий замонавий

киножанрдир. Трейлер узил-кесил мустақил кинематографик асарга ва фильмнинг ўзидаги асосий қисмга айланиб қолди. Бугунги кунда айнан трейлерлар картиналарнинг “шов-шувли” такдимотларини кафолатлайдиган ҳолат кам эмас, шу аснода трейлердаги асосий ҳиссий юкламалардан бири айнан унинг овоз қисмига тўғри келади. Мамлакатимиздаги трейлерлардан режиссёр Р.Саъдиевнинг «Барон» бадиий фильмига яратилган трейлерни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бастакор Д.Агзамовнинг мусиқий оҳангларига эга бўлган релиз трейлер экшн ҳаракатлар суръатини белгилаб беради. Иккинчи фильм трейлерига ёзилган хонанда Шаҳзода ижросидаги «Sirdoshim» саунд-трекида экшн ҳаракатлар камроқ, ҳикоя қилишнинг лирик-фожевий йўналиши кўпроқдир.

Замонавий экран нуқтаи назаридан яна бир янги ҳодиса смартфон ёрдамида фильм яратишдир. Масалан, Сан-Францискода (АҚШ) ҳар йили бўлиб ўтадиган «Mac World/iWorld» халқаро кўрғазмаси доирасида «Original Phone Film Festival» халқаро кинофестивали бўлиб ўтади, унда нуфузли ҳакамлар «iPhone» смартфон асосида яратилган энг яхши ишларни танлаб олади. Ғолибларга «Энг яхши бадиий фильм», «Энг яхши ҳужжатли фильм», «Энг яхши мусиқали клип» ва «Энг яхши видео» номинациялари бўйича мукофотлар берилади. Ўзбек шоу-бизнесида бу тренд сўнгги 5 йилликда мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда, бу борада бир қанча креатив тоифа вакиллари, хусусан, «Шаҳбоз&Наврўз» мусиқа гуруҳини, актёр ва эстрада хонандаси Ш.Муқимов, Фарҳод ва Ширин, Сарвар ва Комил дуэтларини, кўшиқчи ва бастакор Ж.Мирсағатов кабиларнинг ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Киносаноатдаги яна бир янги тренд – бу онлайн фильмлардир. FullHD, UltraHD ёки HD форматларни сақлаб турадиган электрон девайслар, планшетлар, ноутбуклар ва бошқа гаджетларнинг жадал ривожланиши киномаҳсулотларни юқори сифатда ҳажмли маконга эга бўлган овоз билан кўриш имкониятини беради. Фильмларнинг энг катта каталогига эга бўлган «MEGOGO» онлайн-кинотеатрининг очилиши кино оламидаги навбатдаги нуфузли тараққиёт бўлди. Онлайн-кинотеатр Ўзбекистон аҳолиси учун буткул бепулдир, айти вақтда жаҳондаги кўп мамлакатлар учун бу контентга кириш тўлов асосида (абзолик тўлови) амалга оширилади.

Экран саноатидаги яна бир замонавий йўналиш мобил кинодир – бу ҳам креатив бозордаги етакчи йўналиш ҳисобланмоқда. Ушбу тренд учун махсус ишлаб чиқилган «Vplayer» ва «MX Player» иловалари ва дастурлари торрентлар ва веб-сайтлардан фойдаланмаган ҳолда фильмларни танлаш ҳамда кўришга имкон беради. Ўзбекистонда мобил кино «LTE» технологиялари асосида 2,5-2,7 ГГц частотали диапазонда «4G» тўртинчи авлоди тармоғи тижорат йўли билан фойдалана бошланган ва 2009 йил октябридан оммалашмоқда.

Мазкур бобда ўзбек киносининг олдин тадқиқ қилинмаган жанрлари ва айнан: хоррор, каммершпиле, триллер, ёшлар комедияси, мистика, нуар, сплэттер ва «кўпик» (мыльная) опера алоҳида кўриб чиқилган. Шунингдек,

Ўзбек экран маданиятида кўп каналли Dolby Surround аудиоформатидан фойдаланиш алоҳида кўриб чиқилган.

«Маданий-томоша тадбирлари аспектида овоз технологияларининг ўзига хосликларини тадқиқ қилиш» номли учинчи бобда илгари санъатшуносликда ўрганилмаган Ўзбекистондаги концерт ва Event соҳаси ўзига хос тарзда тадқиқ қилинган. Экспертларнинг баҳоларига кўра, пойтахтда мамлакат концерт бозорининг асосий ҳажми баҳор билан кузга тўғри келади, «концерт мавсуми» деб аталмиш ушбу даврда бир намоишдан тушадиган даромад ўртача 50 000 000 сўмни ташкил этади. Худудлардаги концерт фаолияти буткул бошқача тарзда бўлиб, у ерларда вазият ўзига хос тарзда кечади, ҳар бир вилоятнинг мавсумий фаоллиги бири-бирдан катта фарқ қилади.

Маданий-томоша тадбирлари бугунги кунда республика учун алоҳида мақомга эга, булар Ўзбекистон Республикасининг етакчи ва стратегик маданий, маънавий-маърифий ҳамда иқтисодий фаолияти сифатида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзбекконцерт» Давлат муассасаси ва Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг жиддий эътиборида турган жиҳатлардир.

Ҳозирги даврда республикада концерт бозорининг мунтазам ва қатъий юксалиб бораётганлиги фақатгина бозор иқтисодиётига ўтишга боғлиқ эмас, бунга рақамли воситаларнинг, интернет-заҳиралар ва мусикий қароқчиликнинг жорий қилиниши ўзининг салмоқли улушини қўшди, булар жисмоний воситаларни жорий қилишнинг мавжуд тизимини деярли издан чиқарди. Бу эса ўз навбатида мусикавий ҳамжамият даромадларининг дарҳол камайишини келтириб чиқарди ҳамда бир вақтнинг ўзида концерт фаолиятининг илгари сурилишига ва такомиллашувига олиб келди.

Бизнинг баҳолашларимизга кўра, поп-санъаткорларнинг чиқишлари Ўзбекистон концерт бозорининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Улардан кейин халқ ижодиёти ва сўз санъатини ижро этувчилар туради. Академик мусиқа, жаз ва рок йўналишлари бир мунча камроқ аудиторияни эгаллаган. Рекламага бўладиган харажатларнинг ўта қимматлиги, ижрочиларга тўланадиган ҳақнинг катталиги оқибатида тадбир таннархи ўзини зўрға қоплаган ҳолда чипталар қийматининг юқорилиги концерт бизнесидаги салбий жиҳатлардандир.

Логистика, асбоб-ускуналар ва етакчи мутахассисларни ҳисобга олган ҳолда шоу-томошаларнинг мамлакатда жадал ривожланиб бораётган бозори ўз истиқболларини ёрқин намоиш этган ҳолда минтақада етакчи ўринни эгаллай бошлади. Масалан, 2008 йилдаги жаҳон иқтисодий инқирозининг ҳалокатли таъсирига қарамасдан Марказий Осиёдаги беш республика орасида Ўзбекистондаги Event фаолият учун концерт мавсуми етакчи ўринда қолди. Молиявий турғунлик даврида халқаро ижрочиларнинг чиқишлари ҳам фаол кечди. Х.Иглесиас, Т.Андерс ва «ModernTalking» гуруҳи, «Choi Sori & Arirang Party» корейс гуруҳи, Ф.Киркоров, И.Аллегрова, В.Меладзе, Л.Агутин ва А.Варум, Е.Воробей, К.Аванесян, М.Галкин, Ю.Шатунов,

«Звери» россия рок-гурухи ва «Би-2» белорус-россия рок-гурухи сингари ижрочиларнинг чиқишлари муваффақиятли ўтди.

«LiveNation» промоутерлик компанияси экспертларининг фикрига кўра, оқилона тузилган техник райдер ва унинг бажарилишини сифатли таъминлаш концерт тадбири муваффақиятли кечишининг асосий гарови бўлиб, буларнинг барчаси овоз прокати ва инсталляцияси бўйича компаниялар ҳамда уларнинг юксак малакали мутахассисларига бевосита боғлиқдир. Концерт фаолиятининг айнан шу тармоғи томошаларнинг ҳиссий жиҳатдан қизиқарли чиқишига таъсир кўрсатади ва бозорни янада самарали қилган ҳолда унинг йўлбошчиси сифатида намоён бўлади. Сўнгги ўн йилликдаги амалиётлардан келиб чиққан ҳолда биз юқоридаги фикрга тўла кўшиламыз.

Мазкур бобда Ўзбекистондаги Event саноатида бўлиб ўтган энг ёрқин ва самарали лойиҳалар алоҳида, батафсил кўриб чиқилган. Эрон ва Америка кўшиқчиси Анди (Andy)нинг (Тошкент, Самарқанд ва Бухоро, 2008); Турк эстрадасининг намояндаси, машҳур кўшиқчи И.Тотлисов (Тошкент, 2010); италиялик кўшиқчи Альбано (AlBano) (Тошкент-Самарқанд, 2011); Карачаево-Черкесск Республикасида хизмат кўрсатган артист, Татаристон Республикасида хизмат кўрсатган артист, россиялик кўшиқчи МакСим (М.Абросимова) (Тошкент, 2011); Россия Федерацияси халқ артисти Н.Расторгуев ва «Любэ» Россия ҳарбий-ватанпарварлик рок-гурухи (Олмалик-Тошкент, 2012); Россия Федерациясида хизмат кўрсатган артист, Карачаево-Черкесск халқ артисти Г.Лепсинг (Тошкент, 2014); бадий раҳбар В.Спиваков раҳбарлиги остидаги Россия Миллий филармония оркестрининг чиқишлари (Тошкент, 2017); Мариинск театрининг бадий раҳбари В.Гергиев бошчилигидаги театр Симфоник оркестрининг концерти (Тошкент, 2017); «Эрисиони» халқ кўшиқлари ва рақслари Грузия Давлат академик хизмат кўрсатган ансамблининг концертлари (Тошкент, 2017) сингари тадбирлар мисол тариқасида келтирилган.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон креатив саноати контекстида овоз технологиялари» мавзусидаги PhD диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ушбу ижодий ҳодисанинг келгусидаги ҳар томонлама тадқиқоти қатъий илмий жиҳатдан амалга оширилиши лозим, бу креатив саноат мавқеини ва бадий-эстетик мезонларини фақат оширади.

2. Юксак амалий натижаларга эришиш учун санъатшунослик, маданиятшунослик ва техник фанлар оралигида турган ушбу кичик фан йўналиши илмий ўрганишнинг барча уч тури томонидан сифатли ўрганилиши лозим.

3. Айнан санъатшуносликда овоз технологияларининг зарурлиги ва долзарблигини эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш зарурати мавжуд, бу эса

мазкур соҳани илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга рағбат беради ҳамда унинг тараққиётини янги босқичига кўтаради.

4. Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, овоз технологияларининг фаоллигини самарали ошириш мақсадида таълим жараёнида бўлғуси овоз режиссёрлари соҳанинг назарий-илмий жиҳатлари билан бир қаторда ижодий-амалий томонларига алоҳида урғу беришлари тўғрироқ бўлади.

5. Йирик медиа-холдинглар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланаётган креатив саноати масалалари ва муаммоларига бағишланган анъанавий форум (давра суҳбати) ўтказиш учун тадқиқот майдонини яратишлари зарур.

6. Стратегик истиқбол сифатида креатив саноатнинг ихтисослашган таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлигини ривожлантириш зарур, бу креатив бозорда талаб қилинаётган мутахассисларни тайёрлаш сифатини анча оширади.

7. Овоз технологияларига техник муҳандислик сифатида эмас, балки замонавий техник ечимлар ва замонавий бадиий ифодалилиқка эришиш технологиялари сифатида қараш зарур.

8. Солиқ имтиёзларини бериш ва маъмурий тартиботларни енгиллаштириш орқали креатив саноатни келгусида босқичма-босқич ривожлантириш учун шароитлар яратиш муҳимдир.

9. Бугунги кунда креатив саноат нафақат санъат асарлари, шу билан бирга ишчи ўринларини яратаётганлиги, шунингдек, турли ижодий ҳамжамиятларнинг ўзаро фикр алмашишига кўмаклашаётганлиги боис, мазкур тизимнинг фаолиятини янада такомиллаштириш учун унда ички ислохотни ўтказиш тўғри бўлади.

10. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ва «Ўзбеккино» миллий агентлиги руҳсат этувчи ҳужжатларни бериш чоғида бадиий асарларни яратиш ёки сахнага қўйишда ўйланган ижодий ечимларни амалга ошириш учун овоз технологияларининг замонавий тизимларидан фойдаланишларини талаб қилишлари лозим. Бу миллий маҳсулот даражасини фақат юксалтиради ва уни янада юқори савияга олиб чиқади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Dsc.27.06.2017.San.51.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСКУССТВОЗНАНИЯ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ
УЗБЕКИСТАНА**

ЮЛДАШЕВ ЭЛЬДАР САДЫКОВИЧ

**ЗВУКОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В КОНТЕКСТЕ КРЕАТИВНОЙ
ИНДУСТРИИ УЗБЕКИСТАНА**

17.00.03 – Киноискусство. Телевидение

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по искусствоведению**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по искусствоведению зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/San6.

Диссертация выполнена в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.fineartins.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet (www.ziyo.net)»

Научный руководитель:

Джура Тешабаев

Заслуженный деятель искусств Республики Узбекистана, доктор искусствоведения, профессор

Официальные оппоненты:

Рахматуллаева Дилфуза Нарзуллаевна
доктор искусствоведения

Туляходжаева Мухаббат Турабовна
доктор искусствоведения

Ведущая организация:

**Государственная консерватория
Узбекистана**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета Dsc.27.06.2017.San.51.01 при институте Искусствознания. (Адрес: 100029, г.Ташкент, пл. Мустакиллик, 2. Тел.: (99871) 339-46-67, факс: (99871) 239-17-71; e-mail: siti1928@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке института Искусствознания (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100029, г.Ташкент, пл. Мустакиллик, 2. Тел.: (99871) 339-46-67.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(Протокол реестра рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

А.А. Хакимов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней,
доктор искусствоведения, профессор,
академик АН РУз, академик АХ Уз.

Н.Г. Каримова

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат искусствоведения,
старший научный сотрудник.

И.А. Мухтаров

Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор искусствоведения, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире, под бурным натиском трансформации, глобализации и коммерциализации в развитии искусства и культуры, особую значимость приобретает креативная индустрия, как наиболее перспективная и быстроразвивающаяся отрасль современного творчества, где звуковые технологии являются ключевым фактором. По данным Организации Объединённых Наций, «в более чем 40 развивающихся странах мира, креативная индустрия является источником динамичного экономического и инновационного развития. Так, производство телесериалов в Южной Корее и Турции, индийская киноиндустрия, японская мультипликация, музыкальная индустрия Великобритании, индустрия моды в Италии и Франции, а также карнавалы и шоу представления в странах Карибского бассейна стали основой роста и процветания этих стран»³.

В мировом пространстве креативной индустрии ключевое значение приобретают совершенствования технологии творчества как движущей силы развития среднего и малого бизнеса, усовершенствования звуковых технологий как главного механизма в сфере индустрии развлечений, приоритет шоу-бизнеса как фактора для привлечения зарубежных инвестиций. В соответствии с возросшими требованиями практического значения, активно интегрируются сегменты экранной культуры и культурно-зрелищных мероприятий. Наличие указанных показателей предопределили актуальность темы исследования и направления научного поиска его автора.

За годы независимости Узбекистаном создано мощное подспорье для деятельности креативной индустрии. Большие возможности и всё более растущий потенциал использования креативных технологий на современном художественно-эстетическом рынке республики главным образом отразился в кинематографии, телевизионном секторе и концертно-развлекательных представлениях. Открывшиеся корпорации, медиа-холдинги, ассоциации и продюсерские центры расширили базовые ценности современного искусства и его универсальность. В итоге традиционное искусство и культура модернизировались в шоу-бизнес, ставшим полноценной, неотъемлемой частью малого бизнеса и частного предпринимательства, и как результат экономического развития страны. Реализация задач, поставленных Президентом Республики Узбекистан в области искусства, совершенствование деятельности органов Министерства культуры, НТРК, Национального агентства «Узбеккино» и государственного учреждения «Узбекконцерт», при контроле творческой общественности является на сегодняшний день одним из приоритетных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики

³ UNCTAD (2010). The Creative Economy Report. London, pp. 38.

Узбекистан № УП-3080 от 30 мая 2002 года «О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий», №УП-3678 от 8 ноября 2005 года «О мерах по реформированию и развитию независимых каналов телерадиовещания», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-1488 от 24 февраля 2011 года «Об организации деятельности медицентра Национальной телерадиокомпании Узбекистана», № ПП-2042 от 20 сентября 2013 года «О мерах по дальнейшему усилению стимулирования отечественных разработчиков программного обеспечения», а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актов.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» и IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Проблемы, касающиеся сферы технологий звука, активного роста креативных индустрий и внедрения эффективных инновационных креативных проектов, привлекают особое внимание ученых и практиков.

В исследовании разработаны предложения и предоставлены рекомендации по вопросам дальнейшего совершенствования аудиотехнологий креативной индустрии на базе изучения и анализа зарубежного опыта, а именно таких ученых, как Флью Т, Свифт А, Каннингэм С, Потс Дж, Хартли Дж, Кин М, Бранс А, Гринс, Лэндри Ч, Флорида Р, Хокинс Дж, Йорданова Д, Каннингем С, Ластра Дж, Гримшоу М, Паттесон Т, Талбот Смит М, Дэйвис Р, Сайгорссон Г, Лидбитер Ч, Хокинс Дж, Колбер Ф, Нантель Ж, Билодо С, Дэннис Рич Дж, Котлер Ф, Лессиг Л, Валенти Дж, Ардиззони С, Майклз Р, Бенгер Р, Корлисс Л, Коултер К, Масаюки Н, Фоскетт Э, Десаи Р, Елинсон З, Фриш М, Лэндри Ч, Смит К, Шефф Дж, Тросби Д.⁴

